

Ҳаййа ѓалас солат, ҳаййа ѓалал фалаҳ

09:20 / 31.03.2018 2902

Абдуллоҳ ибн Умму Мактум куняси ила таниқли муаззин Абдуллоҳ ёки Амр ибн Қайс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Бу киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, Мадина зарарли ҳашарот ва йиртқичлари кўп шаҳардир. (Менга жамоатга бормасдан, уйда намоз ўқишимга рухсат берасизми?)» деганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳаййа ѓалас солат, ҳаййа ѓалал фалаҳ» калималарини эшитасанми? Агар эштадиган бўлсанг, жамоатга кел»,** дедилар.

Абу Довуд ҳасан иснод билан ривоят қилдилар.